

Ёшларга оид оила қонунчилигини ривожлантириш истикқболлари

Бугун оиланинг беназир нуфузи, улкан ижтимоий аҳамиятга молик воқелик эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Оила жамиятнинг асосий ҳужайраси ва ижтимоий таянчидир. Ҳар бир оиланинг бахтиёрлиги ва фаровонлиги пировард натижада жамиятнинг барқарорлиги, гуллаб-яшнаши ҳамда фаровонлиги шартидир. Оила нафақат инсон наслини давом эттириш омили сифатида, балки жамият аъзоларини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш маскани сифатида катта аҳамиятга моликдир.

Инсон шахсини шакллантиришда оила, шубҳасиз, дастлабки босқич вазифасини ўтайди, яъни оилада кишиларнинг бир-бири билан, жамият ва давлатга нисбатан муносабатига асос солинади.

Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасини ташкил этади. Жамият катта-кичик оилалардан иборат. Бу оилалар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Биз кураётган адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти биринчи галда унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланади.

Мамлакатда ҳар бир оила ва ҳар инсоннинг турмуш фаровонлигини, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларга асосланиб иш олиб борилмоқда.

Президент И.Каримов бу борадаги вазифалар ҳақида гапириб: “Энг муҳим вазифа – халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади”¹ – деганди.

Бу адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлари, жумладан, фондларнинг аҳамияти, оиланинг муҳофазаси ошиб бораверади.

* ТДЮИ доценти, ю.ф.н.

¹ И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1993 йил, 14-б.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойилини ҳаётга жорий этиш демакдир.

Бугунги кунда республикамизда ўн мингтага яқин маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари оилалар билан жамоатчилик асосида катта ташкилий ва оммавий ишларни олиб бормоқдалар, оилаларни сақлаб қолиш ва уларни мустаҳкамлашга, вояга етмаган болалар манфаатларини ҳимоя қилишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Давлат томонидан оилага кун-сайин ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий ёрдам бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси 2-қисми мазмунига ва Оила кодексининг 4-моддаси 1-қисмига биноан “Оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида” дир.

Мамлакатимизда оилани давлат муҳофазасида бўлишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти олиб боради.

Ўтган вақт давомида республикамизда аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида соғлом оилани шакллантириш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишлари ўзининг ижобий самарасини берди.

Ёш оилаларнинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикамиз Президентининг фармонларида ўз аксини топмоқда. Президентнинг биринчи фармони 1990 йил 3 майда қабул қилинган бўлиб, “Кўп болали оилаларга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида” деб номланган.

Унда кўп болали оилаларнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш мақсадида тўланадиган ойлик нафақа ўша давр учун амалдагисига нисбатан икки мартага кўпайтирилди. Мазкур Фармон ўзбек халқининг болажонлик табиатини кўрсатади.

Фақат кейинги йилларда Республика Президентининг оилага алоқадор бир қатор фармонлари қабул қилинди.

Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан 1998 йили “Оила йили” деб эълон қилиниши билан шу йили оила манфаатлари учун барча манбалар бўйича 144, 8 миллиард сўм маблағ ажратилиб, уларнинг деярли ярми давлат бюджетидан қопланди.

Оила иши бу оила аъзоларининг шахсий иши деб уларни ўз холига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Айниқса, бозор механизмларини жорий этишдан олдин серфарзанд, кам таъминланган оилаларни, болалар, болали ёлғиз аёлларга давлат ва жамоат ёрдами кўрсатиш лозим.

Мамлакатимизда ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Президент Ислам Каримов “Камолот” ЁИХ ташаббус гуруҳи йиғилишида сўзлаган нутқида шундай деганди: “Ҳаракат... ёш оилаларга ёрдам беришни ўзининг асосий бурчи деб билиши, шу мақсадда “Ёш оила” дастурини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида аҳамият қаратиши зарур.

...Ҳаракат эндигина турмуш қурган ёш оилаларга маълум бир имтиёзлар берилиши, айтайлик, уларга кейин бўлиб-бўлиб қайтариш шарти билан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳақида ўз таклифларини илгари суриши ва уларни амалга ошириши учун ҳаракат қилиш ўринли, деб биламан. Ишончим комилки, бу ёш оилаларга моддий ёрдамгина бўлиб қолмай, айти пайтда уларни мустақкамлашга ҳам хизмат қилиши муқаррар”².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида таъкидланган қуйидаги сўзлар ниҳоятда рамзий ва теран маънодадир: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”.

Жамият ва давлатнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги авваламбор, давлат юритаётган кучли ижтимоий сиёсатда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон, оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан 1997 йил – “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йил – “Оила йили”, 1999 йил – “Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар йили”, 2002 йил – “Қарияларни қадрлаш йили”, 2003 йил – “Обод маҳалла йили”, 2004 йил – “Меҳр-мурувват йили”, 2005 йил – “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006 йил – “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилинди. Ҳукумат томонидан ҳар йили тегишли Давлат дастурлари қабул қилиниб, собитқадамлик билан амалга оширилиб келинмоқда.

Жорий 2008 йилимиз «Ёшлар йили деб белгиланиши муносабати билан қонун ижодкорлари зиммасида ҳам янгидан-анги

² //Халқ сўзи, 2001 йил 25 январь.

вазифалар кели чиқмоқда. Оилавий ҳуқуқий масалалар ҳам ана шу вазифалар қаторига киради. Шу маънода, оила масалаларига тўғри муносабатда бўлиб, уни мустаҳкамлаш учун илмий асосланган таклифлар бериш лозим. Эндиликда бу вазифани “Республика Оила илмий-амалий Маркази” бажариб келмоқда. Шунингдек, оилага доир масалалар илмий жамоатчилик томонидан амалга оширилаётган илмий лойиҳаларда ҳам билдириб келинмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, аввало, марҳум устоз Ф.М.Отахўжаевни эсламасак бўлмайди. Устоз ўз даврида оила қонунчилигининг негизда эр-хотинларнинг тенглиги, оилавий-ҳуқуқий муносабатларда болалар манфаатларининг устуворлиги, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат ҳисси каби қадриятлар ётиши билан бирга, оналик билан бир қаторда оилалик билан бир қаторда оталик ҳам ҳуқуқий муҳофаза остига олиниши ҳақида бот-бот гапирган эдилар. Ва ниҳоят, ушбу фикр-мулоҳазалар Оила кодексининг 4-моддасида ўз аксини топди. Аммо ҳануз бу ҳолат Конституциянинг 65-моддасига сингдирилмаган.

Оила билан боғлиқ муаммолар, муносабатларни тадқиқ этишга ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга республикамизда сўнгги йилларда цивилист ва психолог олимларимиз – Р.Муҳамедов, Ш.Р.Юлдашева, Г.Инамджанова, З.Эсанова, И.Жураева, Т.Кочергина, В.Каримовалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек оиласининг минталитетида болажонлик, иймон, оиланинг муқаддаслиги, ўзаро кўмак, насли давом эттириш, меҳнатга, катталарга ҳурмат ва муҳаббат руҳи устун туради. Бу билан биз ғарб оилаларидан кескин фарқ қиламиз. Шу маънода, амалдаги қонун ҳужжатларимиз ҳаётимизга, қон-қонимизга, миллат руҳига қоришиб кетган юқоридаги қадриятлар оила қонунларимизда ўз аксини топиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзгаришларнинг энг йириги Конституциянинг 65-моддаси 2-қисми юқоридагилардан келиб чиқиб, “Оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир”, деб таҳрир қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, шарқда, айниқса, ўзбек оиласида отанинг ўрни ва роли аксарият кўп ҳолларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб келган. Шунингдек, бу ерда яна бир омил – оиланинг мустаҳкамлиги, бардавомлиги, наслининг давом эттирилишида, болаларга оталик меҳрини беришда оталарнинг роли бекиёсдир.

Юқорида айтганимиздек, бугунги бозор муносабатлари ёшларни ҳам, вояга етмаган фуқароларни ҳам ҳуқуқ ва муомала

лаёқатини кенгайтириб юборди. Ҳозирда ёшлар ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, банкда ўз жамғармаларига эга бўлиши, мерос мол-мулкни қабул қилиб олишлари, ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари, турли битимлар тузишлари, интеллектуал фаолият натижаларининг эга бўлишлари мумкин бўлиб қолди. Бу ҳол яхши, албатта. Айни вақтда Фуқаролик кодексининг 28-моддасида эмансипация ҳолати белгиланадики, унга кўра, “ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин”. Меҳнат кодексида эса меҳнат ҳуқуқининг субъект ёши баъзан 15 ёшдан бошланиши мумкинлиги ҳам белгиланади. Демак, бу ўринда ФК билан МК ўртасида ўзига хос коллизия учрайди. Шу муносабат билан ФКнинг 28-моддасидаги ёш цензини 15 ёш қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Масаланинг бундай тарзда таклиф қилиниши қуйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар жами 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади³. Бу – жуда катта ижтимоий-иқтисодий куч. Қолаверса, ушбу қатламнинг аксарият кўпчилиги Республикамизнинг қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Айни вақтда уларнинг этник таркибини асосан ўзбеклар ташкил қилади. Шунингдек, маҳаллий шароитлар ва психологик тестлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу давр оралиғидаги ўсмирларда меҳнатга, хусусан, тадбиркорликка мойиллик кучлилиги сезилади. Ушбу омиллар ФКнинг 28-моддасида белгиланганидек, 16 ёшдан эмас, балки 15 ёшдан бошлаб уларни тўла муомалага лаёқатли, деб эътироф этиш имкониятини беради. Иккинчидан, шундай қилинса, амалдаги Меҳнат қонунчилигининг нормаларига ҳам ҳамоҳанг бўлар эди. Қолаверса, “Ёшлар йили” деб эълон қилинган жорий йилимизда бу ҳолнинг аҳамияти янада бекиёсдир.

³ И.Каримов. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.